Жамила НОДИРОВА

ОЙДИН ОРЗУЛАР

Қарши
«Насаф» нашриёти
2006

84(5Ў)6-5. Ўзб. 82.3. 2Д26. —
Шеърлар

Жамила Нодирова - муқаддас она-Ватанга бўлган ифтихор, муаллималик бахти, ота-она меҳр-муҳаббати, табиат манзараларига мафтунлик туйғулари қўлига қалам тутқазган шоира.

Сиз ушбу «Ойдин орзулар» тўпламини ўқисангиз, ана шу мавзудаги шеърлар билан танишасиз.

10 32296
Oq

Н 4702620202-6 / 376(02)2006 6-2006

ISBN 5-7323-0508-0

Ж.Нодирова, 2006 й.

2006 A 9039 Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Ватанлар ичра сен очдинг-ку чирой,
Осмонингда гўзал жилваланар ой.

Тупроғи зар, меҳнаткаш деҳқонларинг бой,
Ўзбекистон, ўзинг улуғланган жой.

Фарзандларинг ўктам, бахтли, навқирон,
Илм излар тинмайин, ўқишар ҳар он.

Кунларин ўтказар бўлиб шодумон,
Тенглар ичра бўлдинг тенг, Ўзбекистон.

Меҳнат суруридан элим завқ олар,
Дилларга ўтли куй оташин солар.

Узумзор боғларинг бўлиб бир бўстон,
Довруғи достонсан ҳур Ўзбекистон.

САРБОН БЎЛГИН

Саломни бил, кўкка боқма, кўпга боққин,
Ота-онанг иззат этиб дуо олгин.
Ватанинг сев, тупроғини тўтиё қил,
Юртинг учун лозим бўлса жон фидо қил.

Яхшилигинг, тантилигинг ҳамма билсин,
Савоб ишда ўғлон, сенга омад кулсин.
Ҳамма ишда фидокорлик осон эмас,
Олдирмагин олганларинг, олтин бўлсин.

Жасур ўғлон, карвонларнинг сардори бўл,
Тўғри бўлсанг билгин доим очиқдир йўл.
Сарбонлигинг савобларга тўлиқ бўлсин,
Шунда кўплаб дўстлар сенга узатар қўл.

Изсиз келиб кетмагин ҳеч бу дунёдан,
Кўприк қуриб олқиш олгин сен ҳаммадан.
Мактаб очгил, мадрасалар бино қилгин,
Номинг қолар кам бўлмайсан бил, ҳеч кимдан

ОНА

Она, сен шунчалар буюк маъбудсан,
Сенга тенг келолмас ҳеч қайси бир зот.
Наҳот сен фарзанд деб шунча куюрсан,
Фарзандинг суюнса осмонча бўлсанг.

Сен эрта тинмасанг, тунни билмасанг,
Ҳаттоки ҳоришни назар илмасанг.
Қачон, кимдан олдинг бунча бардошни,
Ҳар нега чидовчи тошдайин бошни.

Сени таърифлашга сўз ҳам топилмас,
Агар ёмон десам қаламим юрмас.
Она, сен яшасанг дунёча яша,
Фарзандларинг билан замонлар оша.

ОНАЖОН, БУЮКСИЗ

Шукур, топдим дўстни, топдим йўлимни,
Жоним пайвандлари - ўғил-қизимни.
Топдим шон-шавкатим, топдим обрўмни,
Онажоним, жоним, топмадим сизни.

Билинар онажон, доим ўрнингиз,
Қуёш нуридайин иссиқ нурингиз.
Соғинч уммонига ташлаб қизингиз,
Зор айладингиз-ку она, бағрингиз.

Онажон, тушимда сочим силабсиз,
Кўзимда ёш кўриб сиз ҳам йиғлабсиз,
Ҳатто у дунёда мени ўйлабсиз,
Демакки мен ҳаёт, сиз ҳам ҳаётсиз

ОНА ҚАДРИ

Онасизлик бу - ёмон,
Соғинч бисёр - бир жаҳон.
Қалбларида зўр армон,
Ким бўлар унга дармон.

Икки ўртада сарсон,
Тополмайин онажон,
Кўзларида ёш маржон,
Қон йиғлаган болажон.

Она ўрнин ҳеч замон,
Босолмаган бирор жон.
Қанийди бўлса имкон,
Йиғламаса болажон.

Қодир Оллоҳ, марҳаматинг,
Дариғ тутма инсондан.
Ажралмасин асло эрта,
Она деган иймондан.

ОҚ ОРЗУЛИ ОППОҚ ҚОР

Дов-дарахт оқ либос кийди бир пасда,
Оппоқ қор ҳамма ёқ, кўкда ҳам пастда.
Ташқарида совуқ бўрон бўлса ҳам,
Кўнглимда илиқлик кезарди аста.

Оппоқ қор, дилимнинг орзуларини,
Қанотингга олиб парвозга шайлан.
Она заминимни кезаётган қор,
Халқим насибаси, ризқига айлан.

Бир олам завқ бериб ёғар оппоқ қор,
Ўлкамга сепини ёяр оппоқ қор.
Заминга ташрифи қутлуғим менинг,
Ойдин орзу бўлиб тинмайин ёғ, қор.

СЕВИНЧИМСАН, БАҲОР

Вужудимда бир илиқлик,
Яйраб куйлагим келар.
Баҳоргинам, ифорларинг,
Кўзимга суртгим келар.

Гўзал баҳор, бу чиройни
Қайдан олдинг, айтақол.
Азизгинам, шайдойингман,
Ҳеч ўлкамдан кетма, қол.

Келсанг ҳар гал юрагимда
Ўзгачадир иштиёқ.
Кўзларимни қамаштирар
Қирлар тўла қизғалдоқ.

Баҳорим, сен орзуйимсан,
Менга жуда ёқасан.
Сепинг ёйган гулбоғимдан
Гулчамбарлар тақасан.

ОТА

Оталар элнинг посбони,
Юртнинг улуғ қўрғони.
Отанинг бўлмас ёмони,
Улуғ ишларнинг сарбони.

Салобат-ла юрса ота,
Кўзинг қувнаб, дилинг яйрар.
Чўлинг бўстон этса ота,
Гулзорларда булбул сайрар.

Ҳур Ватаннинг тинчлигини,
Қўриқлашар оталар.
Осойишта хонадонда
Она айтади аллалар.

Ўзбек элга посбон бўлиб,
Давру даврон сурсин ота.
Ўғил-қизга бош-қош бўлиб,
Кўнгли осмон бўлсин ота.

МУҲАББАТ УЗУГИ

Муҳаббат деб аталган узук,
Бармоғингга тақиб қўяман.
Бор меҳримни узукка қўшиб,
Умр бўйи бахтли этаман.

Даврон сурар бўлсак иккимиз,
Авайлайман кўз қарогимда.
Ишон менга, ёнимда бўлсанг,
Кулги яшар ҳар яноғингда.

Ёлвораман, Оллоҳ иккимиз
Тақдиримиз бирга боғласин.
Йўлларимиз нурафшон айлаб,
Паноҳида омон сақласин.

Биламан, сен албат келарсан,
Йўлларингда кўзим толдирма.
Ишқ аталмиш ҳижронларингда -
Етар энди, бунча ёндирма.

БОЛАЛИК

Болалик ҳам ўтар шовқин-суронли,
Кўчада ўйнардик болалар гавжум.
Биримиз от эдик, биримиз тойчоқ,
Чопқиллаб толмасдик вақтни этиб чоғ.

Қуёш ҳам ботарди, чўкарди оқшом,
Ўйин қизир эди, топмасдик таскин.
Онам чақирарди ўчоқ бошидан,
Биз эса жилмасдик дўстлар қошидан.

БОЛАЛИГИМ СОҒИНДИМ

Болалигим, ёнингга чорла,
Гулзорингдан гул-райҳон терай.
Қир-адирга, далангга чорла,
Қоқигулни чаккамга тақай.

Бир зумгина чорла ёнингга,
Қўғирчоққа аллалар айтай.
Болалигим - беғуборликнинг,
Ҳузурига бир лаҳза қайтай.

Болаликнинг боғлари гўзал,
Доим сени чорлайверади.
Қанча йироқлашсанг, у сени
Дил тубингда порлайверади.

Болалигим, тарк этдинг мени,
Оппоқ тонгинг соғиниб қолдим.
Сенга бўлган соғинчларимни
Интиқ бўлиб ёдимга олдим.

СЕН УЧУН

Нозли дилим, майли сен учун,
Бир ой бўлиб кечанг ёритай.
Гулюзлигим, майли сен учун,
Уйқунг бўлиб ороминг бўлай.

Нозли гулим, майли сен учун,
Атрофингда парвона бўлай.
Гулюзлигим, майли сен учун,
Хизматингга доим шайланай.

Нозли гулим, майли сен учун,
Баҳор бўлиб гул, чечак тақай.
Гулюзлигим, майли сен учун,
Зўр ишқ бўлиб қалбингни ёқай.

Нозли гулим, майли сен учун,
Булбул бўлиб хонишлар қилай.
Гулюзлигим, майли сен учун,
Сабо бўлиб сочларинг силай.

Йўқ демагил, ўзим сен учун,
Чин бахт бўлиб бахтиёр этай.
Қўлларингни бергил қўлимга,
Эртанг бўлиб тонгинг қаршилай.

СИНФДОШ ДЎСТИМГА

Сирдошгинам, синфдош дўстим,
Болаликдан мунис хотирам.
Соғинч ёши кўзимда сим-сим,
Қалбим сени қўмсайди бирам.

Синфдошим, унутдингми сен,
Адирларда ўтказган дамни?
Билмас эдик ўша кезларда
Ташвишларни, ҳеч бирор ғамни.

Синфдошим, дўстлик қадрини,
Бугун дилдан ҳис қилдим ўзим.
Тенгдошгинам, азизсан менга,
Ишон, ростдир ҳар айтган сўзим.

Синфдошим, соғиндим сени,
Қайда бўлма, унутма мени.
Дўстлигимиз абадий бўлсин,
Унутмасман асло мен сени.

УСТОЗИМГА

Ҳар эрта тонг бордим мен мактаб томон,
Орзуларим бўлиб гўё бир жаҳон.

Сўзларидан дур ёғилиб ҳар қачон,
Қаршиларди муаллимим - меҳрибон.

Эзгуликлар жойлаб менинг қалбимга,
Сочди зиё муаллимим йўлимга.

Ватан мадҳин тутиб созин қўлимга,
Илм нурин таратдилар йўлимга.

Таъзимдаман бу кун сизга, устозим,
Янграйверар яхшилик деб овозим.

Унутмасман, олганман сиздан таълим,
Ҳар доимо омон бўлинг, муаллим.

ЭРКАКЛАР ОМОН БЎЛСИН

Гумбурлаган давра тўрида эркак,
Ватанига посбон,мустаҳкам тиргак.
Ҳар уйнинг устуни, юраги эркак,
Улардир ҳаётнинг гултожи, бешак.

Эркак бўлган жойда кўнгил чароғон,
Уй, рўзғор, ҳаттоки кўнгил фаровон.
Ғанимлардан асрар, сақлайди омон,
Ғаминг бўлса, шаксиз у бўлар дармон.

Эркак - жасурликнинг тимсоли ҳар дам,
Ташвиш тушса бошга бўлгайдир ҳамдам.
Меҳнатидан ҳатто гуллагай тош ҳам,
Ишон унга доим, бўлмагай бош хам.

Эркаклардир бизнинг кўрар кўзимиз,
Унутилар ғамлар, йўқдир камимиз.
Эркаклардир ҳар дам ғурур, бахтимиз,
Улар қувончимиз, ёруғ юзимиз.

ЎҒИЛГИНАМ, АРДОҒИМ

Ўғилгинам, дўмбоғим,
Жондан севган оппоғим.
Арзийди кўз қароғим -
Бағишласам ҳаётим.

Кулсанг агар қиқирлаб,
Ҳар кун менга эркалаб.
Таним яйраб кетади,
Овозинг хуш ёқади.

Тили бийрон қувончим,
Сен эртамсан, ишончим.
Умринг берсин оллоҳим,
Эркатойим, дилбандим.

БЕК АКА

Бек ака, ўзим бекангман,
Йўлингга кўзим тикарман.
Яхшилигимни билмасанг,
Сарғайиб гулдек сўларман.

Уйингизнинг фариштаси,
Узилмасин дил риштаси.
Ўзгаларга бир сўз деманг,
Ширин сўзнинг мен гадоси.

Бек ака, беклигингиз,
Ярашади бўйингизга.
Данғиллатиб тўйлар беринг,
Дўстлар келсин ҳовлингизга.

ОЙДИНИМСАН, ОЙИМСАН

Сенсан жону жаҳоним,
Сен-ла файзли ҳар оним.
Сенсан тандаги жоним,
Сен бор, йўқдир армоним.

Сени кўрган онимда
Жоним титрар танимда.
Паривашим, келақол,
Кулиб юргин ёнимда.

Яшнатувчи боғимсан,
Ҳам номусу оримсан.
Кечаларни ёритган
Ойдингинам, ойимсан.

ТАНҲОГИНАМ

Моҳим мени хор айлади,
Ҳолим паришон айлади.

Ўзга кўнгил обод этиб,
Дилгинам вайрон айлади.

Яқин олсам қанчалар мен,
Узоқ бўлдинг шунчалар сен.

Йўлларингда адоман мен,
Порлагувчи Зуҳросан сен.

Тутиб бўлмас танҳогинам,
Қийнамагин бунчалар ҳам.

Озор кўнгил топар малҳам,
Сенинг билан бўлганим дам.

20 06 A9039 Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MI

ҚАДРИМ БИЛГИН

Ёр-ёр билан ўзга уйнинг
Чироғини ёқдинг, ёр.
Менинг эса ишқ боғимни
Поймол этиб кетдинг, ёр.

Мафтунингман бахт қасрингга,
Кўз тегмасин энди, ёр.
Бир умрга ажралишдик,
Йиғлар бўлиб энди зор.

Менинг учун сен ўшасан,
Кўнглим шодон этасан.
Кўришмайин турар бўлсак,
Қадрим шунда биласан.

Гулбаҳорим, бахтли бўлгин, —
Йиғламагин ҳеч қачон.
Қайда бўлма кулиб юргин,
Жонинг бўлсин соғ-омон.

ҚИЙНАЛМАГИН

Айро экан йўлларимиз,
Аммо яқин дилларимиз.
Ким ҳам билар ҳолларимиз,
Қийноқда-ку жонларимиз.

Кимлар бизни қийнадилар,
Улар ёмон хўрладилар.
Икки дилни боғламасдан,
Эрмак қилиб ўйнадилар.

Саҳар битган номаларим,
Дилгинангда қолиб кетди.
Бевафо деб иккимизни
Сарғайганча нолиб кетди.

Суюклигим, ўтинаман,
Ажралдик деб ўйламагин.
Тақдир экан, не қиламиз,
Ширин жонинг қийнамагин.

СИНГЛИМ, АЛДАНМА

Ишонмангиз йигитларнинг алдовига,
Ишқинг билан ёндим деган оҳ-войига.
Фурсат пойлаб улар сени алдаб кетар,
Қаро кўзинг тиндирмасдан ёшлаб кетар.

Қўй, ишонма, тоғлар каби ваъда берса,
Ҳар кун қўлларингга битта нома тутса.
Қийналганинг кўрган они ташлаб кетса,
Қўй, ишонма, ёлғиз сени юлдуз, деса.

Сингилгинам, ҳеч ўзингни паст тутмагин,
Ўзбек қизин қадри баланд, шуни билгин.
Ҳур замонда ўйнаб-кулиб даврон сургин,
Дуч келганга сен сирингни билдирмагин.

Синаб кўрсанг йигитларнинг марди бўлар,
Юрагида Ватан иші и ёниб турар.
Сенга бўлган муҳаббати кунда ошар,—
Унинг билан бирга бўлсанг бахтинг кулар.

БИЛИМ ОЛ

Мана бозор, аравани кичик бола
Суриб борар, араваси қилар нола.

Аравада юклар оғир, тортолмайсан,
Юзларидан нур таралган гулдек бола.

Қара ўғлон, ҳаёт гўзал, қийналмагин,
Шу ёшингдан аравага боғланмагин.

Китоб - дўстинг, уни асло хор қилмагин,
Мактаб - сабоқ, бозорни устун билмагин.

Азиз бошинг омон бўлсин, керак бўлар,
Китобни қўймагин қўлдан, бахтинг кулар.

Аравалар йўлларингда қолиб кетар,
Билим олсанг толе йўлинг нурга етар.

Юкинг бунча оғир экан, кўриб қолдим,
Кўмак учун сен томонга йўлим солдим.

Ортгинангдан қараб қолиб ўйга толдим,
Улғайганда юрти учун қалқон бола.

Меҳнатдан-ку ҳали ҳеч ким толган эмас,
Лек вақтида илм олиш ёмон эмас.

Бошинг кўтар, қаддинг тик тут, ўқи китоб,
Ҳур Ватанда йўлларингда удир офтоб.

ШОКИР ДАНГАСА

Шўхликларинг ҳаддан ошган,
Партада-чи тилинг бийрон,
Устозинг савол берган он,
Жавобларинг жуда ёмон.

Шокир, ҳеч тинч ўтирмайсан,
Аълога ҳам ўқимайсан.
Зўрман дея мақтанасан,
Муродинг не, айт сен кимсан?

Дарслар дарров тугай қолса,
Қўнғироқ тез жаранглаca.
Шокир, билсанг, сен дангаса,
Наҳот шуни англамайсан?

Кечикиб дарсга келасан,
Пайт пойлаб зимдан қочасан,
Айт, эртанг қачон ўйларсан,
Билим эшигин очарсан?

Ўқимасдан кунинг ўтар,
Шокир, эртанг мени қийнар.
Бунчалар бўлма дилозор,
Дилозордан ҳамма безор.

Ўқигин сен, Ватан кутар,
Ўқиганга толе кулар.
Замонлардан замонларга
Эзгу ишинг мангу қолар.

МУНДАРИЖА

Ўзбекистоним.....3
Сарбон бўлгин 4
Она.....5
Онажон, буюксиз 5
Она қадри 6
Оқ орзули оппоқ қор 7
Севинчимсан, баҳор 8
Ота 9
Муҳаббат узуги..... 10
Болалик..... 11
Болалигим соғиндим..... 11
Сен учун.....12
Синфдош дўстимга.....13
Устозимга.....14
Эркаклар омон бўлсин.....15
Ўғилгинам, ардоғим.....16
Бек ака.....16
Ойдинимсан, ойимсан.....17
Танҳогинам.....17
Қадрим билгин.....18
Қийнамагин.....19
Синглим, алданма.....20
Билим ол.....21
Шокир данкаса.....22

АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШР

ЖАМИЛА НОДИРОВА

ОЙДИН ОРЗУЛАР

Шеърлар

Муҳаррир: З.Омонова
Техник муҳаррир: Ч.Раҳмонов
Мусаҳҳиҳ:З.Очилова

ИБ1007

Теришга 8.02.2006 йилда берилди. Босишга 20.02.2006 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32. Шартли босма табоғи 1,26. Шартли бўёқ отт. 1,32. Нашр босма табоғи 0,67. 7-2006- шартнома . 8-буюртма. 150 нусхада. Эркин нархда.

«Насаф» нашриёти. 730018, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

Қашқадарё вилоят Матбуот ва ахборот бошқармасига қарашли «Матбаа»цехида чоп этилди.